# Куч — адолатда

2011 йил,
24 март,
пайшанба
№ 12 (318)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


# ЯШАРИШ, ЯРАТУВЧАНЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

*Наврўз, яъни Янги куннинг кириб келиши одамзот қалбида эзгу интилишларни уйғотиб, унга умид ва ишонч, шукроналик туйғуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркагу аёл, ёшу қари — барча юртдошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган севимли байрамидир. Наврўз айёми мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқлари, маҳалла ва овулларида кўтаринки кайфиятда кенг нишонланди. Айниқса, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрами тантаналари ҳар қачонгидан улуғроқ маъно ва мазмун касб этди.*



Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табригида таъкидланганидек, **халқимиз ҳамиша шоду хуррамлик билан кутиб оладиган қутлуғ байрамлар ва саналар кўп. Лекин шу кунларда эл-юртимиз нишонлаётган Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган, узоқ ўтмиш замонлардан буён қадриятларимиз тимсоли бўлиб келаётган хосиятли бир айём, яшариш ва янгиланиш фаслидир.**

Наврўз шукуҳи, кўклам нафаси уфуриб турган шу дилбар фаслда инсон табиат билан янада яқинроқ ва уйғун бўлиб яшашга, ён-атрофидаги одамларга, оиласи, ёр-дўстларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳурмат ва эҳтиром, меҳр ва эътибор кўрсатишга эҳтиёж сезади, сумалак ва ҳалим, кўксомса каби тансиқ таомларимизни ҳамма билан баҳам кўришга интилади.

Маҳалла-кўй, эл-юрт билан аҳил бўлиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга, ногирон ва беморларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларнинг дуосини олиш сингари олижаноб фазилатлар айни шу кунларда ўзининг яққол тасдиғини топишини кузатиш мумкин.

Бугун Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан юксалиб бораётгани, бизнинг асосий мақсадимиз бўлган янги жамият, янги ҳаёт қуриш, халқ фаровонлигини юксалтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб жой олиш учун қатъий қадамлар қўяётганимизни халқаро жамоатчилик эътироф этаётгани ҳаммамизни қувонтиради ва янги куч-ғайрат бағишлайди, албатта.

Халқимиз бу йил Наврўзни алоҳида тайёргарлик ва кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқда. Бу истиқлолининг йигирма йиллигини қаршилаётган озод юртимизнинг йигирманчи Наврўзидир. Президентимиз жасорати билан халқимизга қайтариб берилган, истиқлол туфайли қадр топган бу миллий байрам бирдамлик шодиёнасидир.

Йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўлининг ҳар бир йили, ҳар бир довони залворли ютуқлар, бетимсол ўзгаришлар билан Ватанимиз тарихи зарварақларига битилмоқда. Тарихан қисқа давр ичида миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетини ҳисобга олган ҳолда замонавий демократик давлат қуришнинг мустаҳкам пойдевори қўйилди. Йигирма йил ичида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси юқори, банк-молия тизими барқарор етакчи мамлакатлар сафидан жой олди.

Шундай фараҳбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган ҳамюртларимизнинг кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, элу юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш уради.



Халқимиз Наврўзни яшариш ва навқиронлик палласига менгзайди. Бу нафақат табиатда, айни пайтда ҳаётимиз, турмуш тарзимизда ҳам ўз ифодасини топади. Қир-адирларда, яшилликка бурканган табиат қўйнида бошланган Наврўз сайиллари сочларига толбарг таққан қизлар айтишуви, бўз йигитларнинг мусобақалари, онахонлар пиширган сумалагу ҳалим, ҳазилу аскиялар билан янада завқли, янада шукуҳли бўлади.

..."Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсиң Наврўз". Мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг бу боқий сатрлари Наврўз ҳар бир инсоннинг самимий, тоза ниятларини, туйғуларини юзага чиқарадиган, севинчлари, орзу-ниятларини, умидларини дўстлари, биродарлари билан баҳам кўрадиган қутлуғ кун эканини намоён этади.

Бу жиҳатлар юртимиздаги барқарорлик, мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувлик ришталари тобора мустаҳкамланаётгани, юртдошларимизнинг она табиатга меҳр-муҳаббати, маънавий қадриятларга садоқатида ҳам ўз инъикосини топмоқда.

Инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўйиш, кўмак ва мададга муҳтож кишиларга беминнат ёрдам бериш, тинч-осойишта ҳаётни асраш ва мустаҳкамлаш йўлида ўзини аямасдан хизмат қилиш халқимизнинг энг буюк қадриятларидан.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Islohot va samara*

## Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш — тараққиётнинг муҳим омили

**Истиқлолнинг илк кунлариданоқ иқтисодий мустақилликка эришиш ҳамда мамлакатимиз иқтисодий манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш муҳим стратегик вазифалардан бири этиб белгиланган. Ўтган давр мобайнида Президентимиз раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби иқтисодиётда ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, унинг барқарор суръатларда ривожланишига эришилди ҳамда бозор муносабатларининг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди.**

Зеро, давлатимиз раҳбари парламент палаталарининг қўшма мажлисида таъкидлаб ўтганидек, мустақиллик даврида бозор иқтисодиётининг қонунчилик базаси шакллантирилиб, иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Улар иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу жараёнларда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, миллий иқтисодиёт ривожини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратиш муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли, мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хорижий шериклар билан барқарор савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатиш, шунингдек, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ривожлантириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашувини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, хорижий давлатлар, халқаро иқтисодиёт ва молия институтлари, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро фойда кўриш асосида савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорликни ривожлантириш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва иқтисодиётга хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Bag`rikenglik tamoyillari*

## Одил судлов

### қонун устуворлигининг амалдаги ифодаси



Мустақиллик йилларида юртимизда амалга ошириб келинаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида қонунчиликда шахснинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳар жиҳатдан мустаҳкамланди.

Мисол учун Жиноят-процессуал кодексининг 491-моддасида ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш чоғида биринчи инстанция суди Жиноят кодекси меъёрларини нотўғри қўллаган ёхуд жиноятнинг оғирлик даражасига ва маҳкумнинг шахсига мувофиқ келмайдиган жазо белгилаганлиги аниқланса, суд ишни янгидан кўриб чиқаришга юбормасдан, ушбу кодекснинг 494-моддаси талабларига риоя этган ҳолда ҳукмга зарур ўзгартиришлар киритишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Шу ўринда ҳаётий мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, Х.Зокировга охирги марта Навоий шаҳар судининг 2000 йил 4 июлдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а», «б», «г» бандлари билан 7 йилу 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2004 йил 25 ноябрдаги ажримига кўра, Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 11 ой 13 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган.

**(Давоми учинчи бетда)**

**Аввало шуни айтиш керакки, фуқаролик қонунчилигида мерос ҳуқуқи мероснинг очилиши, уни ҳимоя қилиш, мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, мерос таркиби ва уларни сақлаш, бошқариш, қўриқлаш ва тасарруф қилиш, меросхўрларга ўтиш тартиби ва шартларини белгилаб берувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборатдир.**

*Fuqarolik qonunchiligi*

## Мерос ҳуқуқи кафолати

### қонунчилигимизда тўлиқ акс этган

Мерос ҳуқуқи фуқаронинг ўлими ёки у суд томонидан вафот этган деб топилганидан сўнг юзага келади. Демак, мерос шахс вафотидан кейин унинг бошқа шахсга ўтиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан иборат. Яъни фуқарога хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй-жой, автомашина ва бошқа мол-мулклар эмас, балки шу мол-мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқ мерос объекти сифатида мерос таркибига киритилади.

Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига кўра, мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатда ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Qonun ko`magi*

## Шартнома ижроси билан кучли

**Мамлакатимизда хилма-хил мулк шаклларига асосланган иқтисодий тизим вужудга келиши муносабати билан шартномавий муносабатлар ҳам тобора ривожланмоқда. Зеро, тадбиркорлик субъекти шартнома тузмасдан туриб олди-сотди ёки бошқа муносабатларга кириша олмайди.**

Чунки шартнома фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи шундай бир ҳужжатки, унда тадбиркорнинг фойда олиш дастурлари, режалари, интилишлари, қизиқиш ва манфаатлари ўз ифодасини топади.

Шартнома тузишда, биринчи навбатда, унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, етказиб бериладиган маҳсулотларнинг нархи, муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва бошқа ҳолатлар назарда тутилганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бу борада адлия идоралари ҳам ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фермерликни ривожлантиришда ҳамда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**Мамлакатимизда уй-жой, иморат қуришнинг ўз тартиб-қоидалари бор. Кимдир иморат тиклашга қарор қилса, албатта, бу борадаги қонунчиликдан бохабар бўлмоғи ва унга қатъий риоя этмоғи лозим.**

*Burch va majburiyat*

## Қимматга тушган ўзбошимчалик



Аксинча, белгиланган талабларга жавоб бермайдиган, қолаверса, ҳуқуқий меъёрларга зид тарзда тикланган иморат ноқонуний қурилган деб топилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Фуқаролик кодексининг 212-моддасига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш меъёрлари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

**(Давоми иккинчи бетда)**

Islohot va samara

# Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш — тараққиётнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Масалан, 2010 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 21,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, мазкур кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 103,0 фоизга тенг бўлган. Бунда, умумий экспорт ҳажми 2009 йилга нисбатан 1 273,2 миллион долларга ошиб, 13,0 миллиард долларни ташкил этган бўлса, импорт ҳажми 2009 йилга нисбатан 640,4 миллион долларга камайиб, 8,8 миллиард долларни ташкил этган. Бошқача айтганда, ушбу кўрсаткичлар Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқалари барқарор суратларда ривожланаётгани ҳамда мамлакатимизда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш даражаси ошаётганлигидан далолат беради.

**“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”**ги қонунга асосан, мамлакатимизда рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

Мазкур қонунда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари мустаҳкамланган бўлиб, улар қонун ҳужжатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашиш шаклларини мустақил белгилаши, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун ўз хоҳишига кўра бошқа юридик ва жисмоний шахсларни шартнома асосида белгиланган тартибда жалб қилиши, ташқи иқтисодий фаолият натижаларига, шу жумладан, миллий ва чет эл валютасидаги даромадга қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши белгиланган.

Шунингдек, Президентимизнинг 2011 йил 7 февралдаги қарори билан тасдиқланган **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** Давлат дастурида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш каби масалалар устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда, шунингдек, юртимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда божхона сиёсати муҳим ўрин эгаллайди. Божхона кодексида белгилаб қўйилганидек, божхона сиёсатининг асосий мақсади — мамлакатимиз божхона ҳудудида самарали божхона назоратини ҳамда товар айирбошлашни тартибга солишни таъминлаш, иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантириш, ички бозорни ҳимоялашдан иборат.

Мустақиллигимиз шарофати билан дунё мамлакатлари билан мустаҳкам савдо ва маданий алоқаларни ўрнатиш ҳамда ривожлатиришга барча асослар яратилганига қарамай, мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигига рахна солувчи, ўз манфаатларини эл-юрт манфаатларидан устун қўювчи, ноқонуний йўллар билан мўмай даромад олишга ҳаракат қилувчи айрим шахсларнинг қилмишларини олдини олиш мақсадида мутасадди ташкилот ва идоралар томонидан тегишли чоралар кўрилмокда.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти туман (шаҳар) судлари томонидан 2010 йил давомида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга доир 100 дан ортиқ жиноят ишлари кўрилиб, айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилган.

Ушбу даврда мазкур турдаги жиноий ишлар бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган қарийб 1.4 миллиард сўмлик товар-моддий бойликларини давлат фойдасига мусодара қилиш белгиланган.

Масалан, 2010 йил 13 март куни М.Юлдошева М.Мадраимова, М.Уликова ва М.Тошболтаева билан жиноий тил бириктириб, Вазирлар Маҳкамасининг **“Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида”**ги қарори талабларига зид равишда Қирғизистон Республикасидан Ўзбекистон Республикасига божхона назорати ўрнатилмаган, айланма йўллар орқали ноқонуний равишда олиб кирилган, декларациясиз, божхона расмийлаштирувидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, хорижда ишлаб чиқарилган жуда кўп миқдордаги товар-моддий бойликларини “Mersedes-benz 611D” русумли автомашинага юклаб олиб кетаётганларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланган. Улардан хорижда ишлаб чиқарилган 38 турдаги, жами 34.358.300 сўмлик жуда кўп миқдордаги товар-моддий бойликлари ашёвий далил тариқасида олинган.

Жиноят ишлари бўйича Данғара тумани судининг 2010 йил 1 июндаги ҳукмига мувофиқ, М.Юлдошева, М.Мадраимова, М. Уликова ва М.Тошболтаева Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, уларнинг ҳар бирига 3 йилдан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Олий суд Пленумининг **“Контрабанда ва божхона қонунларини бузиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”**ги қарорида товарларни божхона назоратини четлаб, божхона назоратидан яшириб, Ўзбекистон Республикасининг божхонаси чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказиш, махсус сақлаш жойлари, ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш, божхона идентификация воситалари, улардан алдаш йўли билан фойдаланиш, товар ёки бошқа қимматликларни декларацияга киритмаслик ёки ўзгача ном билан декларацияга киритиш каби тушунчалар юзасидан, шунингдек, ушбу жиноят субъектлари ва тугалланиш вақти ҳақида батафсил тушунтиришлар берилган. Ушбу қарор жиноят ишларининг тергов органлари ва судлар томонидан кўриб чиқилишида хато ва камчиликларга йўл қўйилишининг олдини олиб, бу борада ягона суд-тергов амалиётининг шаклланишига хизмат қилмокда.

Хулоса ўрнида айтиб ўтиш лозимки, халқимиз фаровонлиги ва тинчлигини мустаҳкамлашда, Ватанимиз тараққиётини янада юксалтиришда иқтисодий барқарорлик ва хавфсизлик муҳим аҳамият касб этар экан, ўзини шу замин фарзанди деб билган ҳар бир инсон ана шу барқарорликни ва хавфсизликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

**Робахон МАҲМУДОВА,**
жиноят ишлари бўйича
*Фарғона вилояти судининг раиси*

Bag`rikenglik tamoyillari

# Одил судлов

## қонун устуворлигининг амалдаги ифодаси

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Жиноят кодексининг 78-моддаси «д» бандида беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан сўнг тўрт йил ўтгач, шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши белгиланган. Судланган Х.Зокиров суд тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг беш йилдан кўп бўлмаган муддатини ўтаган. Шундай қилиб унинг судланганлик ҳолати 2008 йилнинг 25 ноябрида тугаган.

Энди мақсадга ўтадиган бўлсак, Х.Зокиров 2009 йилнинг 21 август куни кундуз соат ўн учлар чамасида спиртли ичимликдан маст ҳолатда, қўшниси Б.К.нинг дала ҳовлисига ғайриқонуний равишда девордан ошиб киради ва ўзганинг жами 300 минг сўмлик мулкини ўғирлайди. Биринчи босқич суди Х.Зокировни Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан Жиноят кодексининг 57-моддасига асосан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарган. Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Инсонпарварлик, адолатпарварлик тамойиллари асосига қурилган қонунларимиз инсоннинг ҳаёти келгусида тўғри изга тушиб кетишига хайрихоҳлик қилади. Жумладан, Жиноят кодексининг 77-моддаси 4-қисмида судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари ҳам бекор бўлиши кўрсатилган. Юқоридаги ҳолатда Х.Зокировнинг судланганлик ҳолати тугалланган бўлиб, унинг жиноий ҳаракатини Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» бандидан 169-моддаси 2-қисми «г» бандига, аниқроқ қилиб айтганда, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда, уй-жойига ғайриқонуний равишда кириб, ўғирлик йўли билан талон-торож этиш жиноятига қайта малакалаш лозим бўлади.

Вилоят суди кассация инстанциясининг очиқ суд мажлисида мазкур иш кўриб чиқилиб, биринчи босқич судининг ҳукми ўзгартирилди. Х.Зокировнинг жиноий ҳаракати Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми «а» бандидан 169-моддаси 2-қисми «г» бандига қайта малакаланиб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 28 августдаги **«Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»**ги қарорининг 2-бандида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган. Х.Зокиров унча оғир бўлмаган жиноят содир қилганлиги сабабли қарорнинг 2-бандига асосан тайинланган жазони ўташдан озод қилинди.

Юқорида баён этилганлардан ҳам англаш мумкинки, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда одил судлов муҳим ўрин тутади. Бу эса, ўз навбатида, суд ҳужжатларининг қонуний, адолатли ва асосли бўлишини талаб этади.

**Зайниддин БЕГМАТОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьяси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ.**
*«Куч — адолатда» мухбири*

Muloqot

# Газетхон савол беради...



***— Маиший техника билан савдо қилувчи дўкондан телевизор олмоқчи бўлсам, сотувчи пластик карточка орқали савдо қилмасликларини билдирди. Айтинг-чи, савдо объектларида пластик карточкалар қабул қилинмаса, уларга нисбатан қандай жазо қўлланилади?***

***Х.ҲАКИМОВ,***
*Уйчи тумани*

— Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилқан **«Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида»**ги Низом талабларига кўра, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилиш бўйича тўлов терминалларининг мавжудлиги ва улардан мажбурий равишда фойдаланиш устидан назорат давлат солиқ хизмати идоралари томонидан амалга оширилади.

Низом талабларига кўра, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг сотувчи-ходимлари томонидан тўлов терминалларидан фойдаланишни билмаслик сабаби билан банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилмаслик ҳолати савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиши деб ҳисобланади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари сотувчи-ходимлари (масъул шахслар) томонидан тўлов терминалининг носозлиги баҳона қилиниб, банк пластик карточкалари орқали тўловлар қабул қилинмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Таъкидлаш керакки, пластик карточкада хизмат кўрсатиш тадбиркорлик субъектлари учун фойдалидир. Бу борада муайян имтиёзлар белгиланган. Масалан, Президентимизнинг **«Пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги 2006 йил 3 августдаги қарорига асосан хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига пластик карточкалар қўлланиб тўланган ҳажмдан амалдаги ставкага нисбатан 10 фоиз пасайтирилган ставка бўйича даромад (фойда) солиғи тўлайди.



***— Айтинг-чи, бир банкнинг пластик карточкасидаги маблағни бошқа банк банкоматидан олиш мумкинми?***

***А.ХЎЖАЕВ,***
*Норин тумани*

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, пластик карточка қайси тижорат банки томонидан эмиссия қилинганидан қатъий назар, улар орқали тўловлар республиканинг барча ҳудудида исталган терминалларда қабул қилинади. Яъни сиз бир банкнинг пластик карточкасига эга бўлиб, бошқа тижорат банки томонидан ўрнатилган терминал орқали бемалол тўловни амалга оширингиз ёки банкоматдан накд пул олишингиз мумкин.

**Саволларга Наманган вилояти «Solidarity» адвокатлар ҳайъати адвокати Н. ЗОҲИДОВА жавоб берди**

Giyohvandlik — asr vabosi

# Яхшидан боғ қолади, ёмондан эса . . .

**Ҳаёт — бебаҳо неъмат. Унинг қадрига етиш, муносиб ҳаёт кечириш, яхши ном қолдиришга ҳаракат қилиш одамийликдандир. Ёмонга ёндашиш, тубан ишларга қўл уриш эса инсонни жар ёқасига етаклайди. Аммо буларнинг маъносини ҳамма ҳам чуқур англаб етавермайди.**

Бугун сўз юритмоқчи бўлганларимиз — тўрткўллик бир гуруҳ гиёҳвандфурушларнинг қилмишлари ҳам шуни кўрсатиб турибди. Бу қилмишга қўл урганларнинг барчаси оилали, уч-тўрттадан фарзанднинг ота-оналари, аммо таассуфки, уларнинг ҳеч бири тайинли ишнинг бошини тутмаган.

...Бекорчиликда ўтаётган кунларининг бирида М.Исмоиловни (исм-фамилиялар ўзгартириб берилади) Элликқалъа туманида яшовчи таниши Санжар йўқлаб келади. Ёзнинг жазирама кунлари эмасми, улар ҳовлидаги супага ўтишар экан, зум ўтмай дастурхонга ноз-неъматлар тортилди. Шу зайлда оғайнилар суҳбати қизиган бир паллада, Санжар ўзига героин гиёҳвандлик моддаси зарур бўлаётганлиги, аммо ҳеч қаердан тополмаётганини айтади. М.Исмоилов эса унга «ёрдам» беришни ваъда қилади.

Шундан сўнг у орадан бир неча соат вақт ўтиб тўғри Р.Норбаеванинг уйига боради. Унга ўзи учун оғу кераклигини айтиб, 7 та ўрамда бўлган жами оғирлиги 0,123 грамм героин гиёҳвандлик моддасини сотиб олади. Сўнгра уйига қайтиб келаркан, ушбу гиёҳвандлик моддаларининг беш бўлагини Санжарга пуллайди. Шу дамда савдодан тушган пулларни ҳамёнига жойлаган М.Исмоилов ўзининг қилмишидан мамнун эди. Аммо у Санжарнинг ихтиёрий равишда ҳуқуқий идораларга ариза тақдим қилиб, гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланиб юрган шахслар тўғрисида маълумот берганлигидан бехабар эди.



Шу куннинг ўзида Тўрткўл тумани ички ишлар бўлими ходимлари М.Исмоилов хонадонига етиб келишди. Олиб борилган тинтув давомида уй ичидан героин гиёҳвандлик моддаси билан бирга топилган махсус пуллар, холис гувоҳлар иштирокида ашёвий далил сифатида олинаркан, ўзининг барча қилмишларини тан олган М.Исмоилов ушбу гиёҳвандлик моддаларини кимдан олганлиги-ю, қабиҳ ишлар билан шуғулланиб юрган «ҳамкор»лари ҳақида кўрсатма беради. Шундан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан бошқа оғуфурушлар ҳам далилий ашё билан қўлга олинди.

Гувоҳи бўлганингиздек, оғуфурушлик билан шуғулланувчи кимсаларнинг чиркин фаолиятига чек қўйилди. Табиийки, бунда ўз хоҳиши билан яқиндан ёрдам берган Санжарнинг ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Негаки, унинг оқилона қарори туфайли қанчадан-қанча кишиларнинг «оқ ажал» қурбонига айланишининг олди олинди.

Жиноят ишлари бўйича Тўрткўл тумани суди томонидан оғуфурушлар — М.Исмоилов, Р.Норбаева, А.Шомуродов, шунингдек, А.Холмуродовнинг содир этган жиноий қилмишларининг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда жамият хавфсизлиги учун катта зарар етказишининг ўта оғир жиноятлар туркумига кириши инобатга олиниб, уларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Алқисса, бугунги дориламон замонда ҳар биримиз ўз ҳақ-ҳуқуқларимиз билан бир қаторда, жамият олдидаги бурч ва масъулиятларимизни ҳам унутмаслигимиз, уларни тўла-тўкис адо этмоғимиз зарур. Зеро, бу умр ҳар биримизга муносиб яшаш, эзгу ва савоб ишлар қилиш, яхши ном қолдириш учун берилган.

**Насиба РАЖАПОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Тўрткўл тумани судининг раиси*

# фирибгар

## ёхуд бировнинг мулкини ўзлаштиришдай чиркин ниятдаги кимсанинг қилмишлари фош этилгани хусусида

Балки у ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириб, 2009 йил октябрь ойининг бошларида З.Холмуродовадан унинг дугонаси Барно Турсунованинг пластик карточкасини турли ёлғон ваъдалар билан олиб, 2009 йил 5 октябрдан 20 октябргача бўлган вақт оралиғида пластик карточка ҳисобидаги 557.250 сўмни ҳам қўлга киритади.

Устомонлиги туфайли қўлга киритган катта миқдордаги бойликдан сармаст бўлган Холмирза тез орада барча кирдикорлари фош этилишини, ҳозир керилиб юрган бўлса, вақти келиб, қилмишлари сабабли боши эгилиб қолишини хаёлига ҳам келтирмас, тўғрироғи, бу ҳақда ўйлагиси ҳам келмасди. Аммо у ўйламаса-да, қонун чиғириғи унинг жиноий фаолиятини элакдан ўтказди.

Суднинг қора курсисида ўтирган Х.Авазов жабрланувчига етказган моддий зарарни қисман қоплаган бўлса-да, ҳали қопланмаган зарар миқдори 56.339.025 сўмни ташкил этарди.





Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг ҳукми билан Х.Авазов Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди, унинг жиноий шериги К.Тешаевга эса Жиноят кодексининг 28,168-моддаси 3-қисми «а» банди билан ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ҳа, азиз газетхон, бу ҳаётда ҳар ким экканини ўриши тайин. Беминнат яхшилик қилган киши савобининг ажрини олгани сингари бировга озор етказган кимсанинг жазоланмоғи ҳам шубҳасиздир. Кимнингдир обрў-эътибор қозониши, бошқа бировнинг боши хам бўлиб қолиши эса уларнинг маънавиятидан, инсоний фазилатларга қанчалик эга эканидан далолат беради. Шу боис ҳам донишмандлар бу ўткинчи умрни фақат яхшилик ва эзгу амаллар билан безамоқ лозимлигини уқтиришади.

**Насриддин ДАМИНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти судининг раиси*

Qilmish-qidirmish

# Шаҳар бедарвоза эмас

## бинобарин, қонунни менсимаганнинг ўзи панд ейди

**Халқимиз азалдан бағрикенглиги, меҳмондўстлиги билан ном чиқарган. Бундай қадриятлар бугунги кунда янгича мазмун-моҳият билан бойиб бормокда.**

Айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, кўплаб давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилмокда. Ўқиш, иш, саёҳат ниятида узоқ мамлакатлардан юртимизга келаётган меҳмонларни ҳар бир шаҳримизда учратиш мумкин. Табиийки, хавфсизлик, соғлиқни сақлаш ва бошқа сабаблар боис ҳар бир давлатга кириш ва ундан чиқишдан олдин белгиланган қонун-қоидаларга қатъий амал қилиш нафақат кишининг ҳуқуқий маданиятидан далолат беради, балки унинг мезбон мамлакат халқига, шу юртнинг қонун-қоидасига ҳурматини ҳам билдиради. Шу маънода бугун қайси юртга борманг, амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилсангиз, ҳам кўзлаган ниятингизга етасиз, ҳам сафарингиз бехатар кечади.

Бу ҳақиқатлардан кўз юмган икки нафар қўшни юрт фуқароси эса, таъбир жоиз бўлса, ташвишни ўзларига ўзлари сотиб олишди. Гап шундаки, Аскербек Кидирбаев ва Сайлау Айтбаева мамлакатимиз қонунларини писанд қилмагани, давлат чегараларидан ўтиш қоидаларини қўпол равишда бузгани боис жавобгарликка тортилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

### ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

*Камчиликсиз дўст излаган дўстсиз қолади.*

* * *

*Илмнинг қиймати, баҳоси — унинг ҳақини адо этадиган, зое кетказмайдиган кишига ўргатишдир.*

* * *

*Адолат камолот мажмуи бўлса, ёмонлик унинг акси, яъни камчиликлар мажмуидир.*

* * *

*Ёшлигингда кексалик учун доноликни тўпла. Чунки ундан ишончлироқ бисот йўқ.*

* * *

*Одамлар ортингдан эргашишини истасанг, уларнинг ортидан юр.*

* * *

*Илм — нарсаларни инсон ақли ёрдами билан ўрганишдир.*

* * *

*Мурувват — дўстларнинг қусур ва камчиликларидан кўз юмишдир.*

* * *

*Асл нотиқлик барча керакли нарсаларни меъёри билан айта олиш санъатидир.*

*Dolzarb mavzu*

# Ҳамиша огоҳ ва сезгир бўлмоғимиз зарур

## шунда «оммавий маданият» фарзандларимиз онгини заҳарламайди

**Одоб-ахлоқ, ҳаё-ибо, ор-номус, диёнат каби фазилатлар азалдан халқимиз маънавий оламининг ажралмас қисмига айланган. Бугунги глобаллашув шароитида “оммавий маданият” ниқоби остида ёшларимизга турли ёт ғоялар, маънавий тубанликни тарғиб этишга уринаётган қабиҳ ниятли кучлар айнан ана шундай қадриятларимизга чанг солаётгани сир эмас.**

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида **“Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб етмоқда”**, дея маънавий таҳдидлардан ёш авлодни асрашимиз зарурлигини таъкидлайди.

Мутахассислар айрим Ғарб мамлакатлари ёшлари орасида авж олаётган ахлоқсизлик, фаҳш, зўравонлик иллатларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга жиддий эътибор қаратмоқда. Гарвард университети тиббиёт факультетида олиб борилган тадқиқотларга кўра, бола ўн саккиз ёшга етгунича телетасвирда бир юз саксон минг марта зўравонлик лавҳаларини томоша қилар экан. Уларнинг саксон мингтаси қотиллик билан боғлиқ саҳналардир.

Нима эксанг, шуни ўрасан, дейди доно халқимиз. Хўш, боланинг мурғак қалбига зўравонлик уруғи экилса, эртага унинг онгида ҳаёт йўлида учрайдиган муаммоларни зўравонлик билан ечиш керак, деган хулоса шаклланмаслигига ким кафолат беради?! Айрим хориж киноларининг “қаҳрамонлари” вафо, ибо, ҳаё, меҳр-оқибат, никоҳ, оила, андиша, ота-онага ҳурмат каби тушунчалардан анчайин йироқ экани барчага аён. Бундай кинолар болаларнинг қалбига, дунёқарашига қандай таъсир қилишини тасаввур этиш қийин эмас. Хитой ҳукумати 2008 йилдан шарм-ҳаёсиз фильмларни суратга олишни расман тақиқлади. Ҳа, бугунги кунда бутун дунёда умуминсоний қадриятларга зид ҳар қандай кўринишдаги таҳдидларга қарши кескин чоралар кўрилаётгани бежиз эмас.

Ҳаётда учрайдиган иллатларнинг пайдо бўлиши ва илдиз отишида ноқонуний дисклар савдосининг кучли таъсири бор. Бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш, кино-видео маҳсулотларини ёзиш, ижарага бериш ва сотиш бўйича фаолиятни тартибга солиш мақсадида мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.





**“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”**-ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартда қабул қилинган **“Киновидео маҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”**ги қарори ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда бу борадаги тартиб-қоидалар аниқ белгиланган. Шундай бўлса-да, баъзи кимсалар мўмай даромад илинжида жиноий қилмишларга қўл урмоқда.

Давлат божхона қўмитаси Фарғона вилояти бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, 2010 йилда беҳаёликни тарғиб қилувчи порнографик расмлар ва видеороликлар ёзилган 294 дона мобиль телефон карталари ҳамда дисклар аниқланган.

— Глобаллашув илм-фан, техника тараққиётини жадаллаштириш билан бирга, афсуски, инсоний тушунчаларга, эзгу қадриятларга зид бўлган “оммавий маданият” ниқоби остидаги иллатларнинг кучайишига ҳам хизмат қилаётгани сир эмас, — дейди Фарғона вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси Зокир Раҳимов. — “Оммавий маданият” бизнинг ўзлигимизга, боқий анъаналаримизга, менталитетимизга рахна солишга уринаётгани кишини ташвишлантиради. Айрим кимсаларнинг мўмай пул илинжида шарм-ҳаёсизлик, лоқайдлик, ваҳшийлик, бир сўз билан айтганда, ёвузликни тарғиб қилувчи дисклар савдоси билан шуғулланаётгани барчамизни сергак торттириши керак. Бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида тегишли идоралар билан ҳамкорликда муайян ишларни олиб бормоқдамиз.



Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси ва унинг қуйи тизим ходимлари томонидан шаҳар ва туманларда контрафакт маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш юзасидан назорат ишлари кучайтирилган. Жорий йилнинг 1 февраль ҳолатига кўра, вилоят ҳудудида ўтказилган тезкор тадбирлар давомида 35 нафар шахс ҳокимият ва солиқ органларидан рўйхатдан ўтмай, дисклар савдоси билан шуғулланаётгани аниқланган. Улардан турли мазмундаги 8 минг 787 дона аудио-видеокассета ва VCD, DVD лазер дисклари далилий ашё сифатида олинган. Далилий ашёлар суд ҳукмига асосан қонунда белгиланган тартибда йўқ қилинган.

Қўштепа тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган тадбир давомида Фарғона тумани Янгиобод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро И.Қодиров ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний равишда лазер диск маҳсулотлари савдоси билан шуғулланаётгани маълум бўлди. Ундан 600 дона лазер диск далилий ашё сифатида олинган.

Албатта, фаолият ноқонуний бўлгандан кейин савдога чиқарилган маҳсулотлар ҳам талаб даражасида бўлмайди. Киновидео маҳсулотларининг бундай ноқонуний савдоси, айниқса, бозорлар, аҳоли гавжум масканларда учрайди.

Фарзандларимизни турли таҳдидлардан, хусусан, “оммавий маданият” ниқоби остидаги мафкуравий хуружлардан асраш, уларга тўғри йўл кўрсатиш учун ҳаммамиз, ҳар биримиз доимо ҳушёр, огоҳ ва сезгир бўлишимиз даркор.

**Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ**

*Mulohaza*

# Оила риштаси

## фарзандлар камолотига хизмат қилади

**Оиланинг тинч-тотувлиги инсоннинг камолотга етишувидаги энг муҳим омилдир. Зеро, соғлом фикрли, ота-онанинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашини ҳис қилган, шундан куч олган болалар ўзлари ҳам ишончни оқлашга ҳаракат қилишади.**

Бироқ ҳаётда турли сабабларга кўра ота-онасидан ажралган, уларнинг қарамоғидан маҳрум болалар йўқ эмаски, уларнинг ҳам бахтли яшашга, эътибор-эъзоз кўришга ҳақлари бор. Таъкидлаш керакки, давлатимиз томонидан оиланинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш борасида олиб борилаётган кенг-кўламли ишларнинг бир йўналиши айнан шу масалага — етим ва боқувчисини йўқотган вояга етмаган болаларга ғамхўрлик қилишдан иборатдир.

Асосий қонунимизнинг 64-моддасида давлат ва жамият етим ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, бу болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради, дея белгилаб қўйилган. Бундан ташқари Оила кодексида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олиш, уларга васийлик, ҳомийлик қилиш каби саъй-ҳаракатлар ҳам рағбатлантирилиши қайд этилган. Етим, боқувчисини йўқотган, кўнгли ярим болаларга васийлик ва ҳомийлик қилиш, уларни фарзандликка олиш бу борадаги энг муҳим масалалардан бири бўлгани, қолаверса, бундай вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришнинг ўзига хос жиҳатлари борлиги боис қуйида фарзандликка олишнинг ҳуқуқий томонларига тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик, ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман ҳокими қарори билан амалга оширилади. Фарзандликка олиш (бериш) масаласини ҳал қилишда қатор омилларга эътибор қаратиш лозим. Жумладан, болага унинг манфаатларини мумкин қадар тўлароқ таъминлай оладиган оилани танлаш учун унинг руҳий ҳолати, шу билан бирга, феъл-атворидаги ўзига хос хусусиятлар, у фарзандликка олинаётган оиладаги муҳит каби жиҳатлар инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Фарзандликка олиш мутлақ ихтиёрий эканлиги боис, болани фарзандликка олишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар бўлмаса, қайси болани фарзандликка олишни фарзандликка олувчи шахснинг ўзи ҳал этади. Фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида эса худди бола билан уни дунёга келтирган ота-она ўртасидаги сингари ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади.

Шубҳасиз, ҳар бир киши шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида келтирилганидек, инсоннинг шахсий ёки оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиш тақиқланади. Конституциямизда ҳам ҳар ким шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланган. Шу боис, фарзандликка олишни сир сақлаш қонунда белгилаб қўйилган бўлиб, боланинг фарзандликка олувчиларни ўзини дунёга келтирган ота-она деб ҳисоблаши унинг оиладаги ҳаёти ва тарбиясини бир қадар енгиллаштиради. Фарзандликка олиш сирини ошкор қилганлар Жиноят кодексининг 125-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

Ҳаёт қизиқ, унинг турфа томонлари бор. Суд амалиётида кўрилаётган фарзандликка олиш билан боғлиқ низоларда ҳам турли инсонларнинг тақдири, ҳар хил ҳаётий кечмишлар акс этади. Масалан, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган С.Султонова (исм-фамилиялар ўзгартирилди) 2008 йилнинг сентябр ойида А.Мелибоев билан турмуш қурганлигини, қонуний эр-хотин сифатида ҳаёт кечириб, 2009 йилнинг август ойида фарзандлари дунёга келганини баён қилган. Аслида, бу оиладаги машмаша ана шу фарзанд дунёга келгандан сўнг бошланади.

Гап шундаки, С.Султонованинг қайнонаси Ш.Тўхтабоева Тошкент шаҳрига кўчиб кетаркан, набираси Азизани ҳам ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлади. Қизиқ томони шундаки, Ш.Тўхтабоева ўғли билан келинига набираси Азизани ўзига фарзандликка бериш талабини қўяди. «Йўқса, — дейди Ш.Тўхтабоева, — сизлар яшаб турган уйни тортиб оламан!». У бу талаби билан ўғли ва келинига таҳдид қилади. Қайсидир маънода ноилож қолган С.Султонова билан А.Мелибоев Хўжайли тумани ҳокимининг 2010 йил 14 июндаги қарорига асосан қизлари Азизани фарзандликка беришга мажбур бўлишади.

Албатта, қайси она фарзандидан воз кеча олади?! Орадан вақт ўтаркан, С.Султонова фарзандсиз яшай олмаслигини англаб етади ва охир-оқибат судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Суд ушбу фуқаролик ишини кўриб чиқар экан, даъвони тўлиқ қаноатлантириш, Хўжайли тумани ҳокимининг 2010 йил 14 июндаги 313/6-сонли фарзандликка олиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳақидаги хулосага келади.

Оила миллат тақдири, унинг ривожига бевосита дахлдор муқаддас маскан саналади. Шундай экан, оиланинг поклиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш, унда вояга етаётган фарзандларни ҳар томонлама комил инсонлар этиб тарбиялаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам қарздир. Бу эса, ўз навбатида болаларга ҳеч қачон беэътибор бўлмасликни, уларнинг тақдирига ҳамиша масъулият билан ёндошишни тақозо этади.

**Саодат КАИПНАЗАРОВА,**
*фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг раиси*
**Акмал ТОЖИМУРОД ўғли,**
*«Куч — адолатда» мухбири*

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Оролбўйи транспорт прокуратураси томонидан уларга оид жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилди.

Воқеани батафсилроқ баён этадиган бўлсак, А.Кидирбаев турмуш ўртоғи С.Айтбаева билан олдиндан тил бириктириб, 2011 йилнинг 14 январида Бейнеу шаҳридан Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани «Каракалпакия» шаҳарчасига ўтиш вақтида **«Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»**ги қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг **«Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ва чиқиш тартиби тўғрисида»**ги қарори талабларини бузишади. Яъни улар фуқаролик паспортисиз, Ўзбекистон Республикасига кириш учун рухсат берилган «Каракалпакия» шаҳарчасида жойлашган чегара пунктини айланиб ўтиб, мамлакатимизга кириб келишади. Ушбу хатти-ҳаракатлари билан А.Кидирбаев ва С.Айтбаева Жиноят кодексининг 223-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилган.

Қонунбузар «меҳмонлар» «билдирмасдан кириб олдик, энди билдирмасдан чиқиб кетамиз» дея хом ўйлашган эди. Улар 2011 йилнинг 16 январида «Қўнғирот-Бейнеу» йўловчи поездининг тепловозига чиқиб, «Каракалпакия» бекатида жойлашган 9202-сонли ҳарбий қисм чегара назорати бўлинмасидан рўйхатдан ўтмасдан ўз юртларига қайтмоқчи бўлишганида ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари томонидан тўхтатилган.

*Qilmish-qidirmish*



# Шаҳар бедарвоза эмас

## бинобарин, қонунни менсимаганнинг ўзи панд ейди

Жиноят ишлари бўйича Қўнғирот тумани суди томонидан судланувчи А.Кидирбаев Жиноят кодексининг 223-моддаси 2-қисми «б» банди ва 25,223-моддаси 2-қисми «б» банди билан айбли топилиб, унга Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 110 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Судланувчи С.Айтбаева эса Жиноят кодексининг 223-моддаси 2-қисми «б» банди ва 25,223-моддаси 2-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятларни содир этган, деб топилди ва унга Жиноят кодексининг 59-моддасига кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг 60 баравари миқдорида жарима жазоси қўлланилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, юртимиздаги барқарор тинчлик-осойишталикка ҳамманинг ҳаваси келади. Айниқса, дунёда турли-туман алғов-далғов воқеалар содир бўлаётган, уруш-қирғинлар рўй бераётган қалтис паллаларда бу тинчликнинг қадри янада билинади. Табиийки, бу осойишталикка эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун шу юртнинг фуқаролари ҳам, унга ташриф буюраётган меҳмонлар ҳам амалдаги қонун-қоидаларга сўзсиз риоя этмоғи зарур.

**Н.ШАРОПОВ,**
*Оролбўйи транспорт прокуратураси терговчиси*

Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди жамоаси вилоят суди раиси ўринбосари Мавлуда Атаходжаевага отаси
**Саиткамол ОТА**нинг
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Атабай Бакиевга ўғли
**Шахридиналь БАКИЕВ**нинг
бевақт вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

**КУЧ—АДОЛАТДА**

*МУАССИС:*
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

*Бош муҳаррир:*
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ*
Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-318. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувда эркин нархда. Адади: 8656.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 21:00 Топширилди: 22:30